



**Ўзбекистон Республикаси номидан
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

2022 йил 26 сентябрь Ғаллаорол тумани 4-1302-2201/730-сонли иш

Ғаллаорол туманлараро иқтисодий судининг судьяси А.Норқўзиёвнинг раислигида, судья ёрдамчиси Э.Мамаражаповнинг котиблигида, аризачи Жиззах вилоят Давлат солиқ бошқармасининг жавобгар "AGRO IMPERIYA GOLD KLASTER" ишлаб чиқариш кооперативининг банкдаги ҳисобварақалари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси бўйича ишни аризачи вакили [REDACTED] (2022 йил 15 августдаги 23-03068-сонли ишончномага асосан) иштирокида, Ғаллаорол туман Давлат солиқ инспекцияси биносида очиқ сайёр суд мажлиси муҳокамасида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Аризачи Жиззах вилоят Давлат солиқ бошқармаси Ғаллаорол туманлараро иқтисодий судига ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар "AGRO IMPERIYA GOLD KLASTER" ишлаб чиқариш кооперативининг банкдаги ҳисобварақалари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

Жавобгар вакили суд мажлисининг куни ва вақти ҳақида тегишли тартибда хабардор қилинган бўлсада, суд мажлисида иштирок этмади. Суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 127-129, 170, 220-моддаларига мувофиқ, мазкур ишни жавобгар вакилининг иштирокисиз, тўпланган ҳужжатлар асосида кўриб чиқишни лозим деб топади.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили тушунтириш бериб, жавобгар томонидан бугунги кунга қадар ҳисобот топширилмаганлигини маълум қилиб, ариза талабини қўллаб-қувватлаб, тўлиқ қаноатлантириб беришни сўради.

Суд иш ҳужжатларини ўрганиб, аризаччи вакилининг фикрлари ва тушунтиришларини тинглаб, қуйидаги асосларга кўра аризани қаноатлантиришни, ишни кўриш билан боғлиқ суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим деб топади.

Ишдаги ҳужжатлар ва суд муҳокамасида аниқланишича, "AGRO IMPERIYA GOLD KLASTER" ишлаб чиқариш кооперативи томонидан 2022 йил июль ойи учун қўшилган қиймат солиғи солиқ ҳисоботини тақдим этилмаганлиги аниқланган. Шу сабабли, Жиззах вилоят Давлат солиқ



бошқармаси бошлиғи ўринбосарининг 2022 йил 07 сентябрдаги қарори билан жавобгарнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари 10 кун муддатга тўхтатилган ҳамда банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида жавобгарнинг шахсий кабинетига хабарнома, қарор эса ижро этишлик учун хизмат кўрсатувчи банкка юборилган. Шунга қарамай жавобгар томонидан ҳисобот топширилмагач, аризачи судга солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туриш тўғрисида ариза билан муурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 273-моддасига асосан солиқ тўловчилар, агар ушбу бобда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ ҳисоботини ўзлари солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органларига ўтган солиқ давридан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирилмаган муддатда тақдим этишлари шарт.

Ушбу Кодекснинг 111-моддаси кўра, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор электрон шаклда солиқ органи томонидан банкка юборилади. Бир вақтнинг ўзида солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетига унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатиб турилиши тўғрисида хабарнома бунинг сабабларини кўрсатган ҳолда юборилади.

Жавобгар томонидан солиқ ҳисоботи тақдим этилмаганлиги ҳолати ишдаги мавжуд ҳужжатлар билан тасдиғини топганлигини инобатга олиб, суд аризани қаноатлантиришни, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича аризачи ва жавобгар давлат божи тўлашдан овоз этилганлигини инобатга олиб, давлат божи ундирмасликни, ишни судда кўриш билан боғлиқ почта харажатини жавобгардан Олий суд депозит ҳисоб-рақамига ундиришни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 222-моддаси учинчи қисми 4-бандига кўра, ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисида билдирилган талаб қаноатлантирилган тақдирда, суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида фаолият чекланадиган, тўхтатиб туриладиган ва тақиқланадиган муддат; лицензиянинг (рухсатноманинг) амал қилиши тўхтатиб туриладиган муддат; амал қилиши тўхтатиб турилган ёки тугатилган лицензиянинг (рухсатноманинг), шунингдек қор қилинган лицензиянинг (рухсатноманинг) номи, рақами, берилган тарихи ва бошқа реквизитлари ҳақидаги ҳамда лицензияни (рухсатномани)



берган орган тўғрисидаги маълумотлар; фаолият қандай шартлар бажарилгунига қадар чекланаётганлиги, тўхтатиб турилаётганлиги ва тақиқланаётганлиги; банклардаги ҳисобварақлар бўйича операциялар қандай шартлар бажарилгунига қадар тўхтатиб қўйилганлиги кўрсатилиши керак.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111, 273-моддаларини, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 127-129, 170, 176-179, 215-222-моддаларини қўллаб, суд

қ а р о р қ и л а д и:

Аризачининг аризаси қаноатлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддасига асосан жавобгар "AGRO IMPERIYA GOLD KLAUSTER" ишлаб чиқариш кооперативининг банкдаги ҳисобварақларининг чиқим қисми (бюджетга тўловлар, иш ҳақи, нафақалар, шунингдек ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида соғлиқ ва ҳаётга етказилган зарарни қоплаш учун маблағлар бериш ҳоллари бундан мустасно) бўйича операциялари солиқ ҳисоботи топширилгунга қадар тўхтатиб турилсин.

Жавобгар "AGRO IMPERIYA GOLD KLAUSTER" ишлаб чиқариш кооперативи томонидан 2022 йил июль ойи учун қўшилган қиймат солиғи солиқ ҳисоботини топширилгач, банк томонидан солиқ органининг қарорига (маълумотига) асосан "AGRO IMPERIYA GOLD KLAUSTER" ишлаб чиқариш кооперативининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялари тиклансин.

Жавобгар "AGRO IMPERIYA GOLD KLAUSTER" ишлаб чиқариш кооперативидан Жиззах вилоят давлат солиқ бошқармаси фойдасига 24.000 сўм почта харажати ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақаси берилсин.

Ҳал қилув қарори қабул қилинган пайтдан бошлаб ўн кун муддат ўтгач қонуний кучга киради.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози тараф ўн кун муддат ичида шу суд орқали Жиззах вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъатига апелляция тартибида шикоят (протест) келтириши мумкин.

Судья

А.Норқўзиев

